

ИСЛОМОВ Зоҳид Маҳмудович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректори, филология фанлари доктори,
профессор

ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ХОРАЗМ МАДАНИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ НАУЧНОЙ ШКОЛЫ ЗАМАХШАРИ В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРНОЙ СРЕДЫ ХОРЕЗМА

THE ROLE OF THE SCIENTIFIC SCHOOL OF ZAMAKHSHARI IN THE DEVELOPMENT OF THE CULTURAL ENVIRONMENT IN KHORESM

Аннотация: Хоразм ўзининг қадимий маданияти, илм-маърифати билан ажралиб туради. Хусусан ислом маданиятида ҳам бу минтақа ўзининг юксак мақоми билан мусулмон дунёсига танилган. Унинг бундай ривожига минтақада шаклланган кучли илмий муҳит сабаб бўлган. Аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам мана шундай илмий муҳитда дунёга келган. Унинг асарларини ўрганган, уларга шарҳ ва ҳошиялар ёзган олимлар Замахшарийни устоз деб билганлар. Шу тариқа минтақа илмий муҳити ривожланган.

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, илмий муҳит, илмий мактаб, устоз, шогирдлар, шарҳ, ҳошия.

Резюме: Хорезм отличается своей древней культурой и просвещением. Особенно этот регион известен мусульманскому миру своим высоким статусом в исламской культуре. Такое развитие было вызвано высокой научной средой, сформировавшейся в регионе. Махмуд Замахшари родился именно в этой научной среде. Ученые, изучавшие его труды и писавшие к ним комментарии, считали Замахшари своим учителем. Таким образом развивалась научная среда региона.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, научная среда, научная школа, учитель, ученики, комментарий, отзывы.

Annotation: Khoresm was a famous place due to its ancient cultural and scientific environment. Especially, this region was known in the Muslim world as a place having high status. A high development scientific environment formed in the region has a great place in its formation as a scientific centre. Mahmud Zamakhshari was born in such a scientific environment. The scholars, who has studied his works and wrote commentaries on these works, has considered Zamakhshari as a teacher. Thus, the scientific environment has developed in this region.

Key words: Mahmud Zamakhshari, scientific environment, scientific school, teacher, students, commentary, margin.

КИРИШ

Инсоният тамаддунининг қадимги маданий марказларидан саналган Хоразмда туғилган Маҳмуд Замахшарий ислом фани ҳамда маданиятига, айниқса араб тили, адабиётига ўзгача муҳаббат билан қарайди ва уларни мукамал эгаллашга ҳаётини бағишлайди. У дастлаб араб тили сабоқларини маҳаллий олимлардан сўнгра барча фанларнинг билимдони, асрнинг ягона зоти номи билан танилган Абу Музар Заббий Исфакхоний каби машҳур тилшунослардан олади. Хоразмшохлар давлатида алоҳида нуфузга эга бўлган Низомулмулк, тиббий билимлар султони Ҳаким Али ибн Муҳаммад Ҳижозий, файласуф, фақиҳ Баҳовуддин Абу Муҳаммад Хиракий, алломаи замон Рашидуддин Муҳаммад Ватвот, навху сарф, аруз илмларининг билимдони Абулҳасан Али Хоразмий, фозиллар хужжаси, адиблар сайиди. Машойихлар фаҳри Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Хоразмий, фалакиёт илмининг шамси Муаййиддин Маҳмуд ибн Умар Хоразмий, манзарулола Аловуддин Абулфатҳ Самарқандийлар Маҳмуд Замахшарий илмий муҳитининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳмуд Замахшарий араб тили, адабиёти, ислом илмлари хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ,

кироат илмларида эришиш мумкин бўлган энг юкори чўқкига етди, унинг номи ислом дунёсига кенг тарқалди. Олим илмий салоҳияти, заковати, шухратининг эътироф этилиши, кўплаб олимларнинг ундан илм олишга, ўрганишга интилишларига сабаб бўлди. Ислон дунёси мамлакатларидан олимлар, толиби илмлар Замахшарийдан сабоқ олиш учун Хоразмга кела бошладилар. Хоразмда Замахшарий илмий мактаби шакллана бошлади. Машхур тарихчи Абдулкарим Самъоний “Замахшарийнинг кўплаб етук издош ва шогирдлари етишиб чикди. Менга у ҳақида: “Табаристонда Абу-л-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ Тувайлий, Абивардда Абу-л-Маҳосин Абдурахим ибн Абдуллоҳ Баззоз, Замахшарда олим синглисининг ўғли Абу Амр Омир ибн Ҳасан Саммисор, Самарқандда Абу Саъид Аҳмад ибн Маҳмуд Шоший, Хоразмда Абу Тоҳир Сомон ибн Абдулмалик ва бошқа кўплаб инсонлар ривоят қилганлар” деб ёзади [1].

Маҳмуд Замахшарийнинг машхур шогирдларидан бири, фозилларнинг хужжати ва машойихларнинг фахри номлари билан танилган Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Имроний Хоразмий (ваф. 560/ 1164 й.) ҳисобланади. У Сарахсинг нуфузли оилаларидан бўлиб, султон Санжар ибн Маликшоҳ саройида ҳурматли мақомда бўлган. Ёқут Ҳамавий у ҳақида Маҳмуд Замахшарийнинг машхур шогирдларидан бири, фозилларнинг хужжати ва машойихларнинг фахри номлари билан танилган Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Имроний Хоразмий (ваф. 560/ 1164 й.) ҳисобланади. У Сарахсинг нуфузли оилаларидан бўлиб, султон Санжар ибн Маликшоҳ саройида ҳурматли мақомда бўлган. Ёқут Ҳамавий у ҳақида “Адиблар султони, машойихлар сардори, адаб илми ва араб тили сирларини тўлиқ эгаллаган. Адаб илмидан Замахшарийнинг ҳузурида Хоразмда таълим олган. Илмининг чуқурлиги, кўп фазилатлари билан бирга динда салоҳият ва матонат билан танилган ва зухдда намуна бўлган” [3], деб ёзади.

Абу-л-Ҳасан ҳадис илмини Замахшарийдан ўрганган, “*Муҳожот*” асарини у билан юзма-юз ўтириб ўқиган.

Адабиётшунос, тилшунос, араб тили билимдони Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Қосим Баққолий Хоразмий (ваф. 562/1166 й.)

ҳам Маҳмуд Замахшарийдан таълим олган. Одамийнинг наҳвга оид асарини ёд олганлиги боис унга бўлган ҳурмат юзасидан «Одамий» номига шунингдек, «Зайну-л-машойих» деган номга ҳам сазовор бўлган [18:20-21]. Ҳадис, луғат илмлари ва араб тилини Замахшарийдан ўрганган ва унга ўринбосар бўлган. У «*Мафотиҳу-л-лисон*», «*Қовиму-л-лисон фи-н-наҳв*», «*Ал-Аъжаб фи-л-иъроб*», «*Ал-Бидая фи-л-иъроб ва-л-бина*» каби асарларни ёзган [18:215].

Абу-л-Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъид (ваф. 568/1172 й.) «Хоразм хатиби» номи билан шухрат қозонган. Абу-л-Муайяд Хоразм жомеъ масжидида узок йиллар ўзи хутба ёзиб жамоага ўқиган. Хутбалар мавзуси асло такрорланмаган [15:332]. У адиб, фозил, фикҳ ва адабиётни мукамал билган олим эди. Замахшарийнинг қўлида таълим олган ва араб тили борасида мустаҳкам илмга эга бўлган. Абу-л-Фатҳ Носир ибн Абу-л-Макорим Мутарризий унинг етук шогирдларидан саналган.

Адибу-л-Мулук Абу Исмоил Яъқуб ибн Ширин Жанадий қози сифатида танилган. Ал-Мукрий “*Азҳару-л-риъз*” асарида Маҳмуд Замахшарийнинг Абу Исмоил Жанадий ҳақида «У ўз асрининг энг ақлли, энг зеҳнли ва заковатлиси йигитларидан» деганлигини таъкидлайди. У Хоразм султонининг котиби бўлган, форс ва араб тилида асарлар ёзган [13:286-287]. Жанадий «*Муфассал*» асарида Замахшарийнинг қўлида таълим олган. Шу сабабли “*Муфассал*” асарининг хошиясида Жанадий номидан: «Мен Жоруллоҳдан таълим олаётганимда у менга “тих” деб товуш чиқарган тарвуз энг яхши тарвуздир, кимки уни еса кулади» деган шеърни айтиб берган”, деган маълумотни келтиради.

Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос Абу-т-Таййиб. Насаби Сулаймон ибн Ҳасан ибн Али ибн Толибга бориб боғланади ва жуда ҳурматли, эътиборли Макка аҳлидан саналади. У Маҳмуд Замахшарийнинг қўлида Маккада таълим олган ва асарларининг ёзилишига туртки берган, ёрдам кўрсатган [15:268]. Маҳмуд Замахшарийнинг яқин шогирдларидан саналган. Улар ўртасида ҳам устоз - шогирдлик, ҳам яқин дўстлик ришталари бор эди. Бунинг натижаси ўлароқ олим ўз асарларини хусусан, “*Кашишф*” асарини Ибн Ваҳҳосга бағишлаган. Ибн Ваҳҳос ҳам ўз навбатида Замахшарийни

улуғлайди ва унинг илмий меросига юкори баҳо беради [25:418].

Буюк Мовароуннахр ва мусулмон дунёсининг сарф, нахв, луғат, балоғат, фасоҳат, аруз, тафсир, ҳадис, фикҳ, география ва қатор илмлар бўйича пешқадам олимига айланган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий довуғи дунёга кенг ёйилди. Юксак илмий салоҳият, билимлар қамровининг кенглиги, ижод фаолиятининг турфалиги, мазмун-моҳиятнинг ишончилиги кўплаб олимларнинг Маҳмуд Замахшарий илмий мероси гултожи бўлган асарларига ҳурматли муносабатда бўлишига сабаб бўлди. Шу сабабли Замахшарийнинг замондош ва шогирдлари ундан асарларини тушунтириш, ўқитиш, шарҳлаш учун рухсат ҳужжатини олишга ҳаракат қилганлар ва кўпчилик унга муяссар бўлганлар.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик Балхий. «Рашидуддин Ватват» номи билан танилган. У замонасининг энг улуғ, даҳо олими ҳисобланиб, назм ва насрда ўз замонасининг алломаси бўлган. Хоразм султони Отсиз, Алп Арслон ва унинг ўғли Алоуддин Текешнинг даврида подшоҳнинг котиби бўлган [17:226].

Ёқут Ҳамавий “*Муъжаму-л-удабо*” асарида «У араб тилининг энг дақиқ нуқталарини, нахв ва адабиёт сирларини ҳаммадан яхши билган. Унинг номи уфқларда кенг тарқаган, иқлимларда унинг зикри ёйилган. Замахшарийга ижоза сўраб хат ёзган, у ижоза берган. Устозининг вафотидан сўнг ҳам устозига вафо ва ҳурматда бардавом қолган. Ҳатто, устозининг ёзган асарларида котиблар томонидан кўчирилаётганда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб ҳам чиққан» [8:48] деган маълумотни келтиради.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Абу Тоҳир Салафий (ваф. 576 /1180 й.) қори, мужаввид, муҳаддис, моҳир нахвшунос, муҳаққиқ луғатшунос [17:468]. Илм йўлида кўплаб мамлакатларга борган, машҳур олимлардан жумладан, фикҳ бўйича Абу-л-Ҳасан Али Ҳарросий ва Абу Закарийё Табризийлардан сабоқ олган. Бағдодда ҳадис илмини ўрганган, ундан юздан ортиқ шайхлар ҳадис ривоят қилган. Миср амири Зофир Убайдийнинг вазири Абу-л-Ҳасан Али ибн Саллор олим учун 546/1151 йили Искандарияда мадраса қуриб берган [6:105–107]. Аҳмад

ибн Муҳаммад Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ҳақида эшитган ва улар билан яқиндан танишган. Замахшарий Маккада яшаган вақтида асарлари бўйича ижоза сўраб хат ёзган.

Қози Иёз ибн Мусо ибн Амр Хайсабий Сабитий Абу-л-Фазл (ваф. 553/ 1158 й.). Фикҳ, ҳадис, нахв, луғат, араб тили ва тарихи, насаб илмларини эгаллаган машҳур мағриблик олим бўлган [26:483–485]. Маълумотларга кўра у Маҳмуд Замахшарийдан ижоза олган.

Умму-л-Муайяд Зайнаб бинти Абу-л-Қосим Абдурахман ибн Ҳасан ибн Аҳмад (ваф. 616/1219 й.) етук олима. У Абу Муҳаммад Исмоил ибн Абу-л-Қосим Найсабурий, Абу-л-Музаффар Кушайрий, Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарийлардан ижоза олган [20:21].

Рукнуддин Маҳмуд Усулий Замахшарий билан устоз-шогирд мақомида бўлган. Рукнуддин Замахшарийдан тафсир илми, Замахшарий Рукнуддиндан усул илмини ўрганган [21:433].

Абу Юсуф Яъқуб ибн Али ибн Муҳаммад Балхий Жандалий Маҳмуд Замахшарийнинг шогирди бўлган, ундан нахв ва адаб илмларини мукаммал эгаллаган олимлардан ҳисобланган [18:351].

Шунингдек, Зиёуддин Маккий ҳам Замахшарийдан таълим олгани ва унинг шогирди ҳисобланади.

Абу Бакр Яҳё ибн Саъдун ибн Таммом Аздий Қуртубий (ваф. 567/1171 й.) қироат илмлари бўйича пешқадам олим. Маҳмуд Замахшарийдан араб тилини ўрганган ва араб тилида моҳир бўлган.

Абдулкарим ибн Абдурраҳим Басрий Маҳмуд Замахшарийнинг «*Ал-Муфасссал*», «*Ал-Қистос*», «*Ал-Навобиғу-л-калим*» ва «*Ал-Кашшоф*» кабибошқа асарларини ривоят қилган

Маҳмуд Замахшарийни устоз сифатида эътироф этган олимлардан бири Абу Тоҳир Баракот ибн Иброҳим Хушуъий саналади. Айтишларича у Замахшарийдан ижоза сўраган, у эса берган».

Маҳмуд Замахшарий оила қурмаган, фарзандлари бўлмаган, лекин унинг шогирдлар жуда кўп бўлган ва уларни олим фарзандларидек эъзозлаган, уларга ўз илмини қўшиб меҳрини ҳам берган.

Замахшарий жуда ҳам кўп улуғ олимлар билан замондош бўлган, улар билан ҳамкорликда

иждо килган. Замондош алломалар турли мамлакатлардан бўлиб, Замахшарий билан илмий ҳамкорлик ўзаро манфаатли бўлган. Улардан андалуслик Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад Жиёний Ғарнатий [17:338] (ваф. 514/1120 й.), Сулаймон ибн Абдуллоҳ Молифий Абу-л-Хусайн ибн Торват [17:602] (ваф. 514/1120 й.), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Саййид Батлаюсий [17:55] (ваф. 521/1127 й.) олимлар бўлган.

Қози Абу Абдуллоҳ ибн Али Домғоний (ваф. 498/1104 й.) фозил, ҳанафий мазҳабидаги факих, Бағдодда қози ҳам бўлган. Замахшарий Бағдодга келганида факих Домғонийнинг зиёратига боради, бир неча маротаба суҳбатлашади.

Шариф Абу-с-Саодот Ҳибатуллоҳ ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳамза Алавий, «Ибну-ш-Шажарий» номи билан машҳур (ваф. 542/1147 й.) олим. У наҳв, луғат, шеър, араб тили, тарихи каби илмларни яхши билган, фазилатларга бой ва тавозели инсон бўлган. Абу-л-Баракот Абдуррахмон ибн Анборий «*Маноқибу-л-удабо*» китобида: «Замахшарий Бағдодга келганида шайхимиз Абу-с-Саодот ибну-ш-Шажарийнинг зиёратига борди, биз ҳам у билан бирга бордик» [19:611–612], деган маълумотни келтиради.

«Шамсу-л-Машрик» номи билан танилган Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Азиз Хоразмий (ваф. 512/1118 й.). У ўз асрида луғат ва адабиёт илмида кўзга кўринган олимлардан саналган. Бир муддат Хоразмда Хоразмшоҳнинг хизматида бўлган, сўнг Марвга борган. Маҳмуд Замахшарий уни кўп маълумотларни ёддан билгани ва тили балоғатли эканлиги учун яхши кўрган ва «Жоҳизу-с-соний» яъни «Иккинчи Жоҳиз» деб чақирар эди.

Умар ибн Усмон ибн Шуъайб Жаназий (ваф. 550/1155 й.). Озарбайжоннинг Жаназа номли шаҳридан бўлиб, наҳв ва араб тилини мукамал ўзлаштирган, шоир сифатида танилган. Адаб илмини Абу-л-Музаффар Абивардийдан ўрганган. Бағдод ва Басрага келиб таълим олган, олимларга шогирд тушган, замонининг алломаси бўлган [14:329–330]. Умар ал-Жаназий шундай дейди: «Муфасссалнинг соҳиби билан Аллоҳ таолонинг *و النجم اذا هوى* «Ботиб кетаётган юлдуз билан қасамёд этаманки» ояти ҳақида баҳслашдим [27]: «Бу

оятда зарфдаги омил нима?», - дедим. У: «*و*» тааллуқ топган нарса», деди. Мен: «Қандай килиб ҳол феъли мустакбалда амал қилади? Ваҳоланки, у ҳозир бўлса, маъноси: «Ҳозир қасам ичаман» дегани, келаси замонда эмас», дедим. Шунда у аввалги гапидан қайтиб: «Ундаги омил ҳазф қилинган масдардир, тақдири эса: *و هو النجم اذا هوى*», - деди. Мен бу гапни Зайну-л-Машойихга айтдим. У иккинчи гапини у қадар тўғри деб ҳисобламади. Бу ўриндаги энг тўғри гап шуки: «Бу ҳолатда *«اذا»* келгуси замон маъносидан ажраган ва фақатгина вақт учун бўлиб қолган», деди.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Аҳмад (ваф. 567/1171 й.).

Олим «Ибну-л-Хашшаб» номи билан машҳур бўлган. Наҳв илмида ўз замонасининг йирик олими ҳисобланган. Шунингдек, у ҳадис, тафсир, луғат, мантиқ, фалсафа, математика ва ҳандаса фанларини ҳам билган. Ҳадис илмида сика даражасига кўтарилган олим эди [17:29].

Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Саъд ибн Муҳаммад Дебожий Марвазий (ваф. 609/1212 й.). Буюк тилшунос олим, наҳв илмини отасидан ўрганган. Марвазий Замахшарий билан ҳам учрашган. Замахшарийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абу-л-Қосим Баққолий Хоразмийнинг қўлида таълим олган. У «*Шарҳу-л-Муфасссал*», «*Шарҳу-л-Унмузаж*», «*Таҳзиб Муқаддамати-л-адаб*» номли асарлар ёзган [14:139].

Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Майдоний Найсабурий (ваф. 518/ 1124 й.). Араб тили фанини, хусусан луғат ва араб масалларини жуд ҳам мустаҳкам билган. Усул ва унинг ҳукмларини ҳам ўқиган. Натижада ўз асрида адабиётшуносларнинг имоми бўлиб етишган, «*Амсал*», «*Ҳадий*», «*Самий фи-л-асамий*» номли асарларни битган [5:45].

ХУЛОСА

Замахшарийнинг китобини ўқиб унга шогирд бўлганлар ҳам жуда ҳам кўп бўлган. Унинг китобини ўқиганлар Замахшарийнинг илмини қадрлашар ва унга олимлик ва пешқадамлик борасида тегишли мартабани ҳам беришар эди. Олимлардан Низому-л-Мулкнинг куёви Амир Абу-л-Ҳайжо Муқаббил ибн Атийя [15:217], султон Санжар давлатининг арбобларидан бўлган Малик Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Рослан, Умайдий, Хотиб

Муваффақ Адибу-л-Мулук Яъқуб ибн Ширин Жанадий, «Ибну-л-Жаноз» номи билан машхур бўлган Абу-л-Маолий Аҳмад ибн Хусайн ибн Аҳмад, у Муфассал китобини ёддан билар эди. «Садру-л-афозил» номи билан танилган Абу Муҳаммад Қосим ибн Хусайн ибн Муҳаммад [18:252–253] ва бошқалар Махмуд Замахшарий билан замондош бўлган ва ижодларидан баҳраманд бўлганлар.

Махмуд Замахшарийдаги йиллар давомида шаклланган юксак илмий салоҳият тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, ислом илмларига бағишланган саксондан ортиқ муҳим асарларнинг яратилишига олиб келди. Ушбу маънавий мерос минтақа ва хорижда кенг тарқалди ҳамда шуҳрат топди. Бунинг натижасида олим илмий мероси кенг ўрганила бошланди, унга бағишланган янги манбалар юзага кела бошлади. Замахшарий илмий меросидан илҳомланган олимлар ўз асарлари билан Хоразм илмий-маънавий муҳитининг шаклланишига хизмат қилдилар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Китобу-л-ансоб. I-VI. Абдуррахмон ибн Яхё Яманий наشري. – Ҳайдаробод: 1961–66. – Ж. 6.
2. Аҳмад Муҳаммад Хуфий. Замахшарий. Дору-л-фикри-л-арабий. – Ироқ. 1966.
3. Фозил Солиҳ Сомаррои. Диросоту-н-наҳвия ва-л-луғавия инда-з-Замахшарий. – Бағдод: Матбаъату-л-иршод, 1970.
4. Ёкут Ҳамавий. Иршоду-л-ариб ила маърифати-л-адиб – Муъжаму-л-удабо. Миср. Маргилюс наشريёти, 1930-1933. – Ж. 6.
5. Ёкут Ҳамавий. Иршоду-л-ариб ила маърифати-л-адиб – Муъжаму-л-удабо. Миср. Маргилюс наشريёти, 1930-1933. – Ж. 5.
6. Ибн Халликон. Вафаъту-л-аъён. – Миср. ас-Саъода, 1367/1947. – Ж. 1.
7. Ибн Халликон. Вафаъту-л-аъён. – Миср. ас-Саъода, 1367/1947. – Ж. 2.
8. Мустафо Совий Жувайний. Манҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Қуръон ва баъни иъжозихи. – Миср: Дору-л-маориф би, 1968.
9. Фозил Солиҳ Сомаррои. Диросоту-н-наҳвия ва-л-луғавия инда-з-Замахшарий. – Бағдод: Матбаъату-л-иршод, 1970.
10. Ёкут Ҳамавий. Иршоду-л-ариб ила маърифати-л-адиб – Муъжаму-л-удабо. Миср. Маргилюс наشريёти, 1930-1933. – Ж. 19.
11. Аҳмад Муҳаммад Хуфий. Замахшарий. Дору-л-фикри-л-арабий. – Ироқ. 1966.
12. Мустафо Совий Жувайний. Манҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Қуръон ва баъни иъжозихи. – Миср: Дору-л-маориф, 1968.
13. Ал-Мукрий. Азҳору-р-риёд фи ахбори-л-иёд. 1358-1361. – Ж. 3.
14. Ал-Қифтий. Инбоҳу-р-рувот ала анбоҳи-н-нуҳот. Муҳаммад Абу-л-Фадл Иброҳим таҳқиқи. Қоҳира. Дору-л-кутуби-л-мисрия, 1950-1955. – Ж. 2.
15. Ал-Қифтий. Инбоҳу-р-рувот ала анбоҳи-н-нуҳот. Муҳаммад Абу-л-Фадл Иброҳим таҳқиқи. Қоҳира. Дору-л-кутуби-л-мисрия, 1950-1955. 3 ж.
16. Тақиййуддин ибн Абдулқодир Тамимий. Табақоту-с-сания фи тарожими-л-ҳанафия. Абдулфаттоҳ Муҳаммад Хулв тадқиқи. I-IV. – Риёз: 1403-1410/1983-1989.
17. Жалолиддин Суютий. Буғъату-л- вуъот фи табақоти-л- луғавийин ва-н--нуҳот. Исо Бобий Ҳалабий таҳқиқи. - 2009. 1 ж.
18. Жалолиддин Суютий. Буғъату-л- вуъот фи табақоти-л- луғавийин ва-н--нуҳот. Исо Бобий Ҳалабий таҳқиқи. - 2009. – Ж. 2.
19. Абу-л-Фида. Шазароту-з-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. Қоҳира, 1350. 4 ж.
20. Муҳаммад ибн Али Довудий. Табақоту-л-муфассирин. Али Муҳаммад Умар наشري. I-II. – Қоҳира: 1392/1972.
21. Тошқубризода. Мифтаху-с-саъода ва мисбаҳу-с-сиёда. Ҳайдаробод. ад-Дикан. 1329. 1 ж.
22. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Китобу-л-нсоб. I-VI. Абдуррахмон ибн Яхё Яманий наشري. – Ҳайдаробод: 1961–66. 6 ж.
23. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом: Қомус тарожим. I-X. – Қоҳира: 1378. 4 ж. 191 б.;
24. Умар Ризо Каҳҳола. Муъжаму-л-муаллифин: тарожим мусаннифи-л-кутуби-л-арабия. I-XV. – Дамашк: 6 ж.
25. Тақиййуддин ибн Абдулқодир Тамимий. Табақоту-с-сания фи тарожими-л-ҳанафия. Абдулфаттоҳ Муҳаммад Хулв тадқиқи. I-IV. – Риёз: 1403-1410/1983-1989.
26. Ибн Халликон. Вафаъту-л-аъён. Миср.ас-Саъода, 1367/1947. 3 ж.
27. «Нажм» сураси, 1 – оят.